
“Туман ҳокими кубоги”га старт берилди

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, бугун Наврўз байрами муносабати билан Риштон туманидаги “Ўзбек-тожик” дўстлик жамияти биносида шахмат бўйича “Риштон тумани ҳокими кубоги” очиқ мусобақасига старт берилди.

Турнир 9 турдан иборат бўлиб, 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган спортчилар ўз иқтидорларини намойиш этишади. Бугунги мусобақанинг очилиш маросимида туман ҳокими иштирок этишиб, мусобақа қатнашчиларига омад тилади.

Турнирда 100 дан ортиқ шахматчилар ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Иштиркочилар орасида Тожикистон ва Қирғизистонлик шахматчилар ҳам бор.

2022-03-19 15:32:34